

**Корхоналар ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий  
таърифи**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 21132 тани ташкил қилиб, шундан 20066 таси ёки 94,9 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5483 та (25,9 фоизи), саноат 3777 (17,9 фоизи), қурилиш 1639 та (7,8 фоизи) ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 1577 та (7,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

|  | Рўйхатга олинганлар |                        | Фаолият кўрсатаётганлар |                        |
|--|---------------------|------------------------|-------------------------|------------------------|
|  | бирлик              | яқунга нисбатан фоизда | бирлик                  | яқунга нисбатан фоизда |
| <b>Жами</b>                                    | <b>21132</b>        | <b>100,0</b>           | <b>20066</b>            | <b>107,1</b>           |
| шу жумладан:                                   |                     |                        |                         |                        |
| саноат   | 3777                | 17,9                   | 3677                    | 18,3                   |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги                | 1577                | 7,5                    | 1490                    | 7,4                    |
| қурилиш  | 1639                | 7,8                    | 1504                    | 7,5                    |
| савдо  | 5483                | 25,9                   | 5023                    | 25,0                   |
| ташиш ва сақлаш                                | 710                 | 3,4                    | 688                     | 3,4                    |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар            | 859                 | 4,1                    | 798                     | 4,0                    |
| ахборот ва алоқа                               | 324                 | 1,5                    | 305                     | 1,5                    |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 558                 | 2,6                    | 549                     | 2,7                    |
| бошқа фаолият турлари                          | 6205                | 29,4                   | 6032                    | 30,1                   |

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 86,6 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 32,2 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармоеси иштирокидаги корхоналар, **0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари**, 54,1 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июль ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-июнь ойларида жами 1613 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1532 та). Уларнинг асосий қисми Уларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 39,8 фоизи), Уйчи (7,3 фоизи), Наманган (7,1 фоиздан), Тўрақўрғон (6,4 фоиз), Чуст (6,0 фоиз), Мингбулок (5,5 фоизи), Норин (4,8 фоизи) ва Чортоқ (3,9 фоиздан) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 29,8 фоизи саноат, 26,2 фоизи савдо ва 5,3 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 738 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 166 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 22,5 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

